ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00196

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Жахонгир Нодирович Шайматов
Чирчиқ олий танк қўмондонлик мухандислик билим юрти

АННОТАЦИЯ

Мақолада олий таълим тизимида масофавий таълим ва уни ўзига хос хусусиятлари, масофавий таълим тизимини ташкил килиш усул, шакл ва воситалари, аҳамияти, масофавий ўқитиш моделлари ва уларнинг турлари атрофлича кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: масофавий таълим тизими, масофавий таълим моделлари, экстернат, консорциум, франчайзинг, валидацсия, узоқлаштирилган аудиториялар, лойиҳалар

FEATURES OF DISTANCE EDUCATION SYSTEM

Jaxongir Nodirovich Shaimatov
Chirchik Higher Tank Command Engineering School

ABSTRACT

The article describes in detail distance learning in the higher education system and its features, methods, forms and means of organizing the distance learning system, its significance, distance learning models and their types.

Keywords: distance learning system, distance learning models, external, consortium, franchising, validation, remote audiences, projects

КИРИШ

Глобаллашув даври инсоният цивилизациясида ахборотлашган жамият даврининг бошланишига туртки берди. Информацион технологияларнинг ривожланиши, халқаро коммуникацион алоқалар, фан, таълим ва ишлаб чиқаришни шаклланиши билан характерланади. Бугунги кунда инсониятнинг бутун умр давомида таълим олишини, яъни ўз ҳаётий фаолияти давомида мунтазам касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллашини, компетенцияларини такомиллаштиришини тақозо этмоқда, бу эса, ахборот-коммуникацион технологияларни ривожланиши ва электрон алоқа тизимлари орқали амалга оширилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00196

Бугунги кунда масофавий ўқитиш тизими долзарб масалалардан бўлиб, унинг услублари, технологиялари, усул ва воситаларини янада такомиллаштириш муҳим саналади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Масофавий таълим тизими ўқитиш технологияларидан фойдаланишнинг назарияси ва амалиёти масалалари, унинг дидактик ва услубий асослари, шунингдек, юртимиз олимлари Н.Муслимов, А.Абдуқодиров, У.Бегимкулов, А.Ҳайитов, М.Лутфиллаев, Н.Тайлақовлар томонидан тадқиқ қилинган.

Марказий давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари олимлари А.Андреев, Г.Левкин, Е.Полат, Н.Найденова, И.Варганова, М.А.Малышева, Н.Валюшина, Р.Пимонов, Н.Гаврилов, И.Задорожняя, С.Бережная, С.Богдановалар ишида ҳам масофавий таълим тизими моделлари, ривожлантириш масалалари, шакллари, педагоглар малакасини ошириш тизимида масофадан ўқитиш технологияларини қўллаш, ўқув мазмунининг вариативлиги каби масалалар баён этилган. Жумладан, Т.П.Воронина, В.П.Кашицин, О.П.Молчановалар томонидан тайёрланган монографияда масофавий таълимнинг тўрт модели кўриб чиқилади, булар: анъанавий сиртқи, очиқ – телевизион таълим (телетаълим), виртуал синфлар ва виртуал университетлар.

Масофавий таълим тизимининг юқорида тадқиқ қилинган жиҳатлари хориж олимлари I.Allen, A.Amadco, J.Seaman, D.Keegan, H.Kappel, B.Lehmann, J.Loeper, B.Holmberg, M.Dougiamas, P.Taylorлар изланишларида ҳам ўз аксини топган.

МУҲОКАМА

Масофавий ўқитиш – сараланган инновацион методлар, ўқитиш воситалари ва шаклларига эга ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим шакли бўлиб, у талабага таълум бир стандартлар ва қоидалар асосида ўқув шароитлари ва ўзаро мулоқатни таъминлаб берувчи тизимдир.

Масофавий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- мослашувчанлик (таълим олувчига ўзига қулай вақт, жой ва тезликда таълим олиш имонияти мавжудлиги;
- модуллилик – бир-бири боғлиқ бўлмаган мустақил ўқув курслари тўпламидан - модуллардан индивидуал ёки гуруҳ талабига мос ўқув режасини тузиш имконияти мавжудлиги.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00196

- параллеллик – ўқув фаолиятини иш фаолияти билан бирга пареллел равишда, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб бориш имконияти мавжудлиги.

- кенг қамровлилик – кўп сонли талабаларнинг бир вақтнинг ўзида катта ўқув (электрон кутубхона, маълумотлар ва билимлар базаси ва б.) заҳираларига мурожаат қила олиши. Бу кўп сонли талабаларнинг коммуникация воситалари ёрдамида ўзаро ва ўқитувчи билан мулоқотда бўлиш имконияти.

- иқтисодий тежамкорлик – ўқув майдонлари, техника воситалари, транспорт воситалари ва ўқув материалларидан самарали фойдаланиш, ўқув материалларини бир жойга йиғиш, уларни тартибланган кўринишга келтириш ва бу маълумотларга кўп сонли мурожаатни ташкил қилиб бера олиш орқали мутахассисларни тайёрлаш учун кетадиган харажатларни камайтириш имконияти.

- ижтимоий тенг ҳуқуқлилик – таълим олувчининг яшаш жойи, соғлиғи ва моддий таъминланиш даражасидан қатъий назар ҳамма қатори тенг ҳуқуқли таълим олиш имконияти.

- интернационаллилик – таълим соҳасида эришилган, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ютуқларни импорт ва экспорт қилиш имконияти.

Масофавий таълим ўз олдига барча таълим олувчиларнинг бирдек таълим олишига шароит яратиб беришни, таълим турлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтирган ҳолда таълим бериш сифат узлуксиз таълим даражасини оширишни, асосий фаолият билан бир қаторда қўшимча таълим олиш имкониятини яратиб беришни, узлуксиз таълим имкониятларини кенгайтиришни, янги тамойиллар асосидаги таълим даражасини таъминлашни мақсад қилиб белгилаган.

Масофавий ўқитишда таълим берувчи имкониятлари ҳам кенгайиб, у ўзлаштириш жараёнини мувофиқлаштириши, янгиликлар ва инновацияларга мос равишда бераётган фанини мунтазам мукаммаллаштириши, савия ва ижодий фаолиятини чуқурлаштириши талаб этилади.

Масофавий таълимнинг бир неча моделлари мавжуд, бу моделларни ташкил этиш эса қуйидаги вазиятлари билан бир-биридан фарқ қилади:

- географик сабаблар (мамлакат майдони, марказлардан географик узоқлашган ҳудудлар мавжудлиги);
- мамлакатни компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш даражаси;
- транспорт ва коммуникацияларни ривожланиш даражаси;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00196

- масофавий таълим учун мутахассислар мавжудлиги;
- таълим соҳасида информацион ва коммуникацион технологиялардан фойдаланиш
- даражаси;
- мамлакатнинг таълим соҳасидаги сиёсати.

Қуйида масофавий таълим моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини келтириб ўтамиз:

Бирламчи модел фақатгина таълим олувчилар билан масофавий ишлашда фойдаланилади. Бунда таълим олувчилар виртуал ҳолатда таълим берувчига бириктирилади, топшириқларни топшириш учун бўлимлар ташкил этилади. Бу моделда таълим берувчи ва таълим олувчига ўқув шакли ва усулини танлашга имкониятлар берилади.

Иккиламчи модел эса, анъанваий таълимда тахсил олаётган талабалар билан ишлаш учун ташкил этилади. Ҳар икки таълим масофавий таълим моделида ҳам бир хил ўқув дастури, жадвал, назорат шакллари ва баҳолаш мезонларидан фойдаланиш мумкин.

Аралашган моделда кундузги ва масофавий таълим таълим турларининг уйғунлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилиши билан характерли бўлиб, таълим олувчилар ўқув курсининг бир қисмини кундузги анъанавий асосда, бошқа қисмини эса масофавий таълимда ўташи мумкин.

Консорциум модели иккита олий таълим муассасасини ўзаро бирлаштиришни талаб этади. Олий таълим муассасасининг бирида ўқув курслари ташкил этилса, иккинчи таълим муассасаси эса шу ўқув курсларига таълим олувчиларни таъминлайди. Бу таълим жараёнига соҳага яқин бўлган бошқа муассасалар ҳам қатнашиши мумкин.

Франчайзинг моделида иккита олий таълим муассасалари томонидан яратилган ўқув курслари ўзаро алмашинади. Масофавий таълим тизимида етакчи бўлган, тажрибали таълим муассасаси бу тизимни энди ташкил қила бошлаган таълим муассасасига ўз ўқув курсларини, таклиф ва тавсияларини тақдим қилади.

Валидация модели олий таълим муассасалари ва уларнинг худудий филиаллари билан ўзаро ҳамкорлигида ташкил этилади. Бунда асосий етакчи олий таълим муассасаси ўқув курсини ташкил этади, ўзлаштириш якуни бўйича дипломларни кафолатлайди. Худудий филиаллар эса таълим олувчиларни таъминлайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00196

Узоқлашган аудиториялар моделининг ўзига хос томони эса, бир таълим муассасасида бўлиб ўтган ўқув курслар видеоконференциялар, виртуал каналлар, телекоммуникация хизматлари орқали синхрон равишда бошқа майдонга узатилади. Бу моделда информацион ва коммуникацион имкониятлардан кенг фойдаланилади. Унинг аралашган модел билан фарқли томони, унда анъанавий таълимда қатнашмайди.

Масофавий таълимда лойиҳалар модели ҳам мавжуд бўлиб, бу модел давлат тараққиёти ёки илмий-тадқиқотчилик йўналишидаги дастурларни амалга оиширш учун яратилади. Бунда асосий фаолият масофавий таълим мутахассислари ва педагоглар тўпланган илмий-методик марказда бажарилади.

Масофавий таълимни ташкил этишда курс вазифасини шакллантириш, истиқболли натижаларга жавоб берадиган методология ва технологияни танлаш ҳамда қуйидаги турли хил ўқув-билиш жараёнларини яратиш лозим, жумладан, ҳамкорлик, ўқув ва амалий топшириқлар, интерфаол баҳслар, моделлаштириш, инновацион ёндашув, креатив масалалар ва ҳоказо.

Масофавий таълимнинг асосий компоненти ўқув материаллари ва дастурларини тайёрлаш бўлиб, бунда таълим жараёни иштирокчилари ўз даражасига мувофиқ келадиган вазифаларни вақтида бажариб бориши унинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

НАТИЖАЛАР

Олий таълим муассасаларида масофавий таълим асосида ўитиш тизимини ташкил этишда қуйидаги асосий тамойиллар алоҳида аҳамиятга эга:

- ўқув жараёнини лойиҳалашда ишлаб чиқилган дидактик моделининг педагогик томондан устуворлиги
- янги информацион педагогик технологияларнинг мақсадга мувофиқлиги;
- таълим мазмунининг давлат таълим стандартларига мувофиқлиги;
- ахборот ва материаллар хавфсизлиги;
- таълим олувчилар билим даражасининг бошланғич сифат назорати шартлиги;
- ўқитиш технологиясининг тизимга мос келиши;
- ўқув жараёнининг мобиллиги.

Масофавий таълимни ташкил этишда чат-машғулот, веб-машғулот, телеконференция, телеқанташув каби шакллари мавжуд бўлиб, уларни ташкил этиш бир қатор босқичлар амалга оширилиши мумкин:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00196

Курс мақсадларини аниқлаш. Қайси билимларни (мавзулар, фан ва б.) бериш ва кимларни ўқитиш кераклиги аниқланади.

Ўқитиш услубларини танлаш. Ўқув жараёни давомида билимлар ва кўникмалар даражасининг диагностикасини амалга ошириш ҳамда текшириш манбалари ва усулларини аниқлаш керак.

Ўқув материалига услубий талабларни ишлаб чиқиш. Янги билимларни бериш усулларини ва ҳажмларни аниқлаш керак.

Дарс жадвалини ишлаб чиқиш. Бутун курсни бир нечта модулларга бўлиш, ҳар бир модул тугагандан кейин талаба қандай билимларга эга бўлиши кераклигини аниқлаш лозим.

Ўқув жараёни мониторингини ташкил этиш.

Текширув жараёнлари ва мустақил ишларни режалаштириш.

Ўқув жараёни натижаларини олдиндан баҳолаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишнинг дастурий таъминоти.

Маълумки, масофавий таълимни ташкил этишда турли даражадаги иштирокчилар мавжуд бўлади. Биринчи навбатда масофавий курс муаллифини келтириб ўтадиган бўлсак, у курсни яратувчи, янгиловчи ва таҳрирловчи шахс ҳисобланади. Услубчи эса масофавий курс фаолияти бўйича муаллифга курсни таҳрир қилишда кўмаклашувчи ҳамда таклиф ва тавсиялар бериб борувчи шахс. Масофавий таълим тизими ўқув жараёнининг самарали фаолиятида психологик мониторинг ҳам муҳим бўлиб, бу вазифа бевосита курс руҳшуноси томонидан амалга оширилади. Курс администратори эса, юқори малакали педагог-ходимларни, таълим олувчиларни курсга қабул қилиш, курсдан четлатиш вазифасини бажаради. Шунингдек бу тизимда информацион дастурлар ва телекоммуникация ресурслари ишини таъминловчи шахс ҳам жалб этилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, масофавий таълим асосида ўқитиш бугунги замонавий таълимнинг энг муҳим ва тобора ривожланиб бораётган шакли саналади. Демак масофавий таълим тизими ўқитишнинг янгича замонавий шакли бўлиб, у таълим олувчининг ўқув фанларни мустақил ўзлаштириши, мавжуд ҳолатни баҳолаши, мантиқан ёндашган ҳолда хулоса қилиш қобилиятларини, креатив фикрлашини ривожлантиради. Бугунги кунда кўпгина таълим муассасалари, йирик корхона ва ташкилотлар ўз мутахассисларини тайёрлашда, малакасини оширишда ушбу тизимдан кенг фойдаланиб келмоқда, бу ўз навбатида таълим олувчининг мустақил билим,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00196

кўникма ва малакаларга эга бўлиши билан бирга, муаммоларсиз амалий фаолиятни давом эттиришига катта имконият бермоқда. Масофавий таълимнинг яна бир қулайлиги ўқитиш учун зарур бўладиган ташкилий техник инфратузилманинг тежалиши бўлиб, молиявий харажатлар асосан ўқув-услубий материаллар тайёрлаш ҳамда интернет трафик учун сарфланади.

Шундай қилиб, ушбу шаклда амалга оширилган масофавий таълим курслари таълим олувчиларга муайян бир соҳа фаолиятининг илғор ютуқларидан хабардор қилиш, фаолият учун зарур касбий маҳоратини ошириш, ходимларнинг касбий фаолияти давомида тайёргарлигини доимий ошириши, назарий ва амалий билим, кўникма ва малакаларини амалиётда қўллаши орқали касбий компетентлигини такомиллаштиришда самарадорликни таъминлашга хизмат қилади.

REFERENCES

1. Ya. Gafforov, S. Toshtemirova (2020). Ways To Increase The Effectiveness Of Education In An Integrated Environment. European Journal of Molecular & Clinical Medicine 7 (7). 647-655.
2. Mardonov, S. K., & Toshtemirova, S. A. (2020). Classifying the educational system as an innovative approach. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (92), 180-182.
3. Khodjamkulov, U., Botirova, S., Shofkorov, A., & Abdirimova, I. (2020). Bases of Organizing Cooperation between Educational Institutions through Clusters (on the Example of the Education System of Uzbekistan). Journal of Critical Reviews, 7(12), 243-247.
4. Toshtemirova, S. (2020). Factors Affecting the Quality of Education and the Importance of the Education Cluster to Address Them. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(4), 151-156.
5. Mukhamedov, G., Khodjamkulov, U., Shofkorov, A., & Makhmudov, K. (2020). Pedagogical education cluster: content and form. Theoretical & Applied Science, 1(81), 250-257.
6. Toshtemirova, S.A. (2020). The quality of education is a pedagogical problem. Актуальные вопросы современной науки Материалы VI международной научно-практической конференции, Саратов. 1(1), 39-40.
7. Temirov, A. A., Habibulloyev, D. S., & G'ulomov, G'. J. (2021). MASOFAVIY TA'LIMNING BOSHQARUV TIZIMLARI VA XIZMATLARINING UMUMIY TUZILISHI. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 203-212.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00196

8. S.A. Toshtemirova, B.A. Xolisov (2020). Integratsiya sharoitida uzliksiz ta'lim samaradorligini oshirish yo'llari. Uzluksiz ta'lim. Maxsus son. 40-44.
9. Аллаярова, С. Я., & Сайитова, У. Ҳ. (2021). МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ: МАЗМУНИ, ИМКОНИЯТЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 930-936.
10. S.A.Tashtemirova (2020) STAGES OF EDUCATION CLUSTER ORGANIZATION // МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА. ПРОБЛЕМЫ, ПЕРСПЕКТИВЫ, ИННОВАЦИИ: материалы III международной научно-практической конференции. Саратов, Академия Бизнеса. 11-14.